

Ирландияда “Очиқ масжидлар” куни бўлиб ўтди



16:30 / 03.12.2018 3101

Жорий йилнинг 2 декабрь куни Ирландия Республикасининг Лаоис ва Ленинстер шаҳарлари мусулмон жамоалари маҳаллий аҳолисининг масжидлар фаолияти билан яқиндан танишишлари учун очиқ масжидар кунини ўтказдилар. Бу ҳақда IQNA хабар берди.

Ташкилотчилар бу тадбир одамларнинг Ислом дини ва масжидлар тўғрисида аниқ ва тўғри маълумотларни олишларига катта ёрдам беришига умид қилганлар. Масалан, “Rehman House” масжидига шаҳар ва унинг атрофидаги барча аҳоли расман таклиф этилган. Масжид зиёрати давомида меҳмонларнинг савол-жавоблари учун имкониятлар яратиш билан бирга, исломий адабиётлар ва санъат асарларига бой кўргазмалар ҳам ташкил этилди. Шу билан бир қаторда зиёратчиларга дастурхон ҳам

тузалди.

Тадбирлар кечга қадар давом этган.

Islom.uz портали таҳририяти